



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 3 » oktabr № 521

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикасининг Савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича миллий қўмитаси фаолиятини ташkil этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини янада жадаллаштириш, шунингдек, миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилотининг Савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш тўғрисидаги битимига мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш тўғрисидаги битимининг (кейинги ўринларда – Битим) 23.2-моддасида ҳар бир аъзо – давлат **савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича миллий қўмитани ташкил этиши** назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Миллий қонунчиликни Битимга мувофиқлаштириш бўйича ишларни самарали ташкил этиш мақсадида **Ўзбекистон Республикасининг Савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича миллий қўмитаси** 1-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Қуйидагилар Миллий қўмитанинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

вазирлик ва идораларнинг Жаҳон савдо ташкилоти битими қоидаларини амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

ташқи савдо соҳасидаги қонунчилик, маъмурий тартиб-таомиллар, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, тизимли таҳлил қилиш, шу жумладан, халқаро савдода Ўзбекистон Республикасининг харажатлари ва рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар ва муаммоларни аниқлаш;

хорижий давлатларнинг савдони соддалаштириш масалалари бўйича миллий қўмиталари билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

ташқи савдо фаолиятида товарларни олиб ўтиш, муомалага чиқариш, божхона расмийлаштируви таомилларини соддалаштириш, стандартлаштириш, божхона расмийлаштирувини ҳамда ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун зарур ҳужжатлар ва маълумотларни тўплаш ҳамда тақдим этиш;

ташқи савдо, транспорт ва логистика соҳаларидаги тартиботларни соддалаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо соҳасидаги тартиботларни халқаро стандартлар асосида соддалаштириш бўйича стратегиялар, режалар ва амалий чора-тадбирлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

ташқи савдони амалга ошириш тартиб-таомилларини соддалаштириш, уйғунлаштириш ва стандартлаштириш масалалари бўйича музокаралар олиб боришда амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси позициясини ишлаб чиқиш;

ташқи савдо соҳасидаги ваколатли давлат органлари мутахассислари ва хусусий сектор вакилларининг халқаро савдо тамойиллари, илғор тажриба, ташқи савдо соҳасидаги тартиботларни соддалаштириш чоралари бўйича билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган семинарлар ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикасининг Савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича миллий кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикасида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Миллий кўмита фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган этиб белгилансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “3” октябрдаги 521 -сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикасининг Савдо тартиб-таомилларини
соддалаштириш бўйича миллий қўмитасининг**

ТАРКИБИ

1. Ж.А. Ходжаев – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, *Миллий қўмита раиси*
2. А.А. Урунов – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жаҳон савдо ташкилоти масалалари бўйича махсус вакили, *Миллий қўмита раиси ўринбосари*
3. Л.Ш. Кудратов – инвестициялар, саноат ва савдо вазири, *Миллий қўмита раиси ўринбосари*
4. И.М. Мухтаров – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
5. А.Я. Ҳайдаров – иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари
6. Ж.Э. Чориев – транспорт вазири ўринбосари
7. А.Н. Каримов – адлия вазири ўринбосари
8. Ф.Э. Карабаев – Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси ўринбосари
9. М.М. Мирзаев – Солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
10. И.К. Эргашев – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бош директори
11. Б.Қ. Юсупалиев – Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бошлиғи
12. Б.Т. Норқобилов – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш қўмитаси раиси
13. Д.Н. Саттаров – Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директори
14. Д.А. Вахобов – Савдо-саноат палатаси раиси
15. А.О. Айрапетьянц – Божхона брокерлари уюшмаси раиси
16. С.Н. Пўлатов – Халқаро автомобилда ташувчилар уюшмаси раиси

17. Ю.Э. Маликов – Экспортчилар уюшмаси раиси
18. Х.С. Матчанов – Халқаро экспедиторлар уюшмаси раиси
19. А.А. Муҳидов – Логистика уюшмаси раиси
20. *Лавозим бўйича* – Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш ва савдо музокаралари департаменти бошлиғи, *Миллий қўмита котиби*

Изоҳ.

Миллий қўмита аъзолари бошқа ишга ўтганда, унинг таркибига мазкур лавозимларга янгидан тайинланган шахслар киритилади.

Миллий қўмита қарори асосида унинг таркибига тармоқ бирлашмалари ва хусусий сектор вакиллари киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “3” октябрдаги 521 -сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикасининг Савдо тартиб-таомилларини
соддалаштириш бўйича миллий қўмитаси фаолиятини
ташқил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича миллий қўмитасининг (кейинги ўринларда – Миллий қўмита) асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва фаолиятини ташқил этиш тартибини белгилайди.

2. Миллий қўмита Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолияти учун шаффоф, рақобатбардош муҳитни ривожлантириш мақсадида ташқи савдо фаолияти тартиботлари ва божхона расмийлаштирувини соддалаштириш, модернизация қилиш ва стандартлаштириш билан шуғулланувчи идоралараро коллегиял орган ҳисобланади.

3. Миллий қўмита ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, мазкур Низом асосида ташқил этади.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Миллий қўмита фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

2-боб. Миллий қўмитанинг асосий вазифалари ва ҳуқуқлари

5. Қуйидагилар Миллий қўмитанинг **асосий вазифалари** ҳисобланади:

вазирлик ва идораларнинг ташқи савдо, логистика соҳасидаги тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, Жаҳон савдо ташкилотининг (кейинги ўринларда – ЖСТ) Савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш тўғрисидаги битими қоидаларини амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;

божхона тартиб-таомиллари, транспорт, логистика, молия ва суғурта, техник жиҳатдан тартибга солиш, ветеринария, санитария ва фитосанитария, электрон ҳужжат айланиши ҳамда бошқа масалаларни ўз ичига олган ташқи савдо соҳасидаги қонунчилик, маъмурий тартиб-таомиллар, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, таҳлил қилиш, шунингдек, халқаро савдода Ўзбекистон Республикасининг харажатлари ва рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар ва муаммоларни аниқлаш;

товарларнинг импорти, экспорти ва транзити тартиботларини ҳамда расмийлаштирувини, шу жумладан, ташқи савдо фаолиятида товарларни олиб ўтиш, муомалага чиқариш, божхона расмийлаштируви тартиб-таомилларини соддалаштириш, стандартлаштириш, шунингдек, божхона расмийлаштирувини ва ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун зарур хужжатлар ва маълумотларни тўплаш ҳамда тақдим этиш;

ташқи савдо, транспорт ва логистика соҳаларидаги тартиботларни соддалаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо соҳасидаги тартиботларни халқаро стандартлар асосида соддалаштириш бўйича стратегиялар, режалар ва амалий чора-тадбирлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

ташқи савдони амалга ошириш тартиб-таомилларини соддалаштириш, уйғунлаштириш ва стандартлаштириш масалалари бўйича музокаралар олиб боришда амалий ёрдам кўрсатиш;

шаффоф ва истиқболли ташқи савдо фаолиятини йўлга қўйиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

ташқи савдо соҳасидаги тартиб-таомилларни соддалаштириш бўйича чора-тадбирлар, шу жумладан, ЖСТнинг Савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш тўғрисидаги битими қоидалари бажарилишини назорат қилиш;

ЖСТнинг Савдони соддалаштириш бўйича қўмитаси билан ЖСТнинг Савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш тўғрисидаги битимини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

ваколатли давлат органлари ва хусусий сектор учун ташқи савдо соҳасидаги тартиб-таомилларни соддалаштириш усуллари ва афзалликларини, шунингдек, соҳадаги илғор ахборот компанияларининг халқаро тажрибасини ўрганиш;

ташқи савдони амалга ошириш тартиб-таомилларини соддалаштириш, уйғунлаштириш ва стандартлаштириш масалалари бўйича музокаралар олиб бориш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси позициясини ишлаб чиқиш;

ташқи савдо соҳасидаги ваколатли давлат органлари мутахассислари ва хусусий сектор вакилларининг халқаро савдо тамойиллари, илғор тажриба, ташқи савдо соҳасидаги тартиботларни соддалаштириш чоралари бўйича билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган семинарлар ташкил этиш;

ресурсларни устувор вазифаларга йўналтириш мақсадида ташқи савдо соҳасидаги тартиб-таомилларни соддалаштириш ва қўллаб-қувватловчи бошқа халқаро донор ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш;

хорижий давлатларнинг савдони соддалаштириш масалалари бўйича миллий қўмиталари билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

ташқи савдо соҳасидаги тартиб-таомилларни соддалаштириш бўйича минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан ахборот ҳамда тажриба алмашишни таъминлаш;

давлат органлари ва хусусий сектор билан мунтазам мулоқотни ташкил этиш;

ташқи савдо фаолияти иштирокчиларининг савдони соддалаштириш чоралари, амалиётлари, стандартлари бўйича хабардорлиги ва кўникмаларини ошириш.

6. Миллий кўмита ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ташқи савдо соҳасидаги тартиботларни соддалаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар юзасидан қарорлар қабул қилиш, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш;

Миллий кўмита таркибига кирадиган давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларига Миллий кўмита томонидан кўриб чиқилган масалалар бўйича ўз ваколатлари доирасида топшириқлар бериш;

Миллий кўмита мажлисларида ташқи савдо соҳасидаги тартиботларни соддалаштириш юзасидан давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

фаолият соҳалари билан боғлиқ масалалар бўйича техник ишчи гуруҳлар тузиш;

ташқи савдо соҳасидаги тартиботларни соддалаштириш масалалари бўйича экспертиза ўтказиш учун маҳаллий ва хорижий экспертларни, мутахассисларни, шунингдек, халқаро ташкилотларни, илмий ташкилотларни ва тегишли давлат органларини ва бошқа ташкилотларни жалб этиш;

ташқи савдо соҳасидаги тартиботларни соддалаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича давлат органлари ва ташкилотларга тавсиялар юбориш;

ўз ваколоти доирасида давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан, юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, халқаро ташкилотлардан маълумотлар ва ҳужжатларни сўраб олиш;

ташқи савдо соҳасидаги тартиботларни соддалаштириш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида хорижий давлатларга хизмат сафарларини ташкил қилиш ва чет элда ўтказиладиган минтақавий ва халқаро тадбирларда иштирок этиш;

давлат органлари ва ташкилотлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари билан келишилган ҳолда, уларнинг ходимларини Миллий кўмита фаолиятига доир масалаларни ҳал этишга жалб этиш;

савдо тартиботларини соддалаштиришга қаратилган ислохотларни амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, божхона чегарасини кесиб ўтишда юзага келадиган тўсиқлар юзасидан хорижий давлатлар миллий кўмиталари билан маслаҳатлашувлар ва ахборот алмашинувини амалга ошириш.

Миллий кўмита қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Миллий қўмита ўз вазифаларини амалга оширишда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этиши шарт.

3-боб. Миллий қўмита фаолиятини ташкил этиш тартиби

8. Миллий қўмитага қўмита раиси раҳбарлик қилади ва ўзига юкланган вазифаларнинг самарали ва натижадор ижроси учун жавобгар ҳисобланади.

Миллий қўмита раиси:

Миллий қўмита мажлисларини чақиради ва кун тартибини белгилайди;

Миллий қўмита мажлисларида раислик қилади;

Миллий қўмита мажлисларининг регламенти, иш режаси, кун тартибини ва мажлис баёнларини тасдиқлайди;

Миллий қўмита қабул қилган қарорларнинг ижроси юзасидан назоратни ташкил этади;

Миллий қўмита аъзоларининг фаолиятини уларга юкланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан мувофиқлаштиради;

ушбу Низомга мувофиқ Миллий қўмитанинг самарали ишини таъминлаш бўйича бошқа функцияларни амалга оширади.

Миллий қўмита раиси йўқлигида, унинг топшириғига кўра Миллий қўмита раиси ўринбосари Миллий қўмита ишига раҳбарлик қилади, унинг фаолиятини ташкил этади, мажлислар ўтказиши, Миллий қўмита қарорлари бажарилишини устидан назоратни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Миллий қўмитанинг мувофиқлаштирувчи органи ҳисобланади.

9. Миллий қўмита аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Миллий қўмита томонидан ташкил этилган техник ишчи гуруҳлар мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда иштирок этиш, ушбу мажлисларда муҳокама қилинган масалаларнинг моҳияти бўйича таклиф ва мулоҳазаларни илгари суриш;

Миллий қўмита томонидан қабул қилинадиган тавсияларни тайёрлаш ва амалга оширишда иштирок этиш;

Миллий қўмита фаолиятида иштирок этиш учун зарур маълумотларни олиш;

Миллий қўмита мажлисида асосли сабабларга кўра қатнашиш имкони бўлмаганда, кун тартибига киритилган масала бўйича ўз фикрини ёзма равишда такдим этиш.

10. Мувофиқлаштирувчи орган:

Миллий қўмитанинг навбатдаги мажлиси кун тартибини шакллантиради, таклифларни умумлаштиради;

муурожаат ва таклифларни қабул қилади ҳамда уларни Миллий қўмита аъзоларига ёки бошқа давлат органлари ва ташкилотларга кўриб чиқиш учун юборади;

Миллий қўмита мажлисларининг баёнлари лойиҳаларини тайёрлайди, мажлисларнинг якуний ҳужжатлари лойиҳасини раисга тасдиқлаш учун киритади;

Миллий қўмита мажлисларининг баёнлари нусхаларини Миллий қўмита аъзоларига юборади;

Миллий қўмита ишини ташкилий ва таҳлилий жиҳатдан таъминлайди, имзоланган баёнлар ҳисобини юритади ва сақлаш чораларини кўради;

Миллий қўмитанинг йиллик иш режаси лойиҳасини тайёрлайди ҳамда қўмита аъзоларидан иш режада белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, Миллий қўмита қарорлари ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботлар ва бошқа маълумотларни сўраб олади.

Мувофиқлаштирувчи орган қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Низомга мувофиқ Миллий қўмита фаолиятини ташкил этишга доир бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

11. Миллий қўмита ўз фаолиятини йил бошида тасдиқланган иш режаси асосида ташкил этади.

12. Миллий қўмита мажлислари ушбу Низомга иловага мувофиқ схемага асосан ташкил этилади ва ўтказилади.

Миллий қўмитанинг мажлислари муаммоли масалаларни ва республикада савдони тартиботларини соддалаштириш бўйича илғор тажрибани кўриб чиқиш, бу борадаги таклифларни муҳокама қилиш мақсадида Миллий қўмита раиси томонидан йилида камида икки марта чақирилади.

Миллий қўмита раисининг топшириғи билан мувофиқлаштирувчи орган Миллий қўмита аъзоларидан фикр ва таклифларни қабул қилиб олади, таклифларни ва кун тартибини мажлисдан камида икки ҳафта олдин уларни тасдиқлаш учун Миллий қўмита раисига тақдим этади.

Миллий қўмита раиси қўмита мажлиси кун тартиби ва регламентини мажлис бўлиб ўтадиган кундан камида бир ҳафта олдин тасдиқлайди.

Миллий қўмита мажлисининг кун тартиби ва унга тегишли ҳужжатлар мажлис бошланишидан камида 5 календарь кун олдин Миллий қўмита аъзоларига мажлис тўғрисида хабарнома билан юборилади.

Миллий қўмитанинг мажлисларига давлат органлари ва ташкилотлар, ишбилармон доиралар, хусусий сектор ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

13. Миллий қўмита, агар унинг мажлисида қўмита аъзоларининг камида ярми иштирок этганда, қарор қабул қилишга ваколатли ҳисобланади.

Миллий қўмита қарорлари мажлисда қатнашаётган қўмита аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Миллий қўмита раиси ёки унинг мажлисда раислик қилувчи ўринбосарининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Миллий қўмита қарорлари баён шаклида расмийлаштирилади.

Мажлис баёни Миллий қўмита раиси ёки унинг мажлисда иштирок этган ўринбосари, шунингдек, котиб томонидан мажлис ўтказилган кундан эътиборан бир ҳафта ичида имзоланади.

Миллий қўмита аъзолари қўмита томонидан кўриб чиқилган масалалар бўйича ўз фикрларини ёзма равишда баён этишга ҳақли. Бунда ушбу фикрлар Миллий қўмита мажлиси баёнида акс эттирилиши ва унга илова қилиниши лозим.

Мажлис баёнида мажлис ўтказиладиган сана, вақт, жой, иштирокчилар рўйхати, тасдиқланган кун тартиби, муҳокама қилинадиган масалаларнинг қисқача мазмуни ва кўриб чиқилган таклифлар натижалари (агар мавжуд бўлса, овоз бериш натижалари) кўрсатилиши лозим.

Миллий қўмита аъзолари мажлис ўтказилган кундан эътиборан икки ҳафта ичида Миллий қўмита мажлиси баёни нусхасини олиши шарт.

14. Миллий қўмита мажлислари оммавий тадбир ҳисобланмайди.

15. Миллий қўмита аъзолари томонидан олинган маълумотлар Миллий қўмита раиси рухсатисиз учинчи шахсларга ошкор этилмайди.

16. Миллий қўмита томонидан қабул қилинган қарор тегишли масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

4-боб. Яқунловчи қоида

17. Миллий қўмита фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.



Ўзбекистон Республикасининг Савдо тартиб-таомилларини
соддалаштириш бўйича миллий қўмитаси фаолиятини
ташқил этиш тўғрисидаги низомга
илова

**Ўзбекистон Республикасининг Савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш
бўйича миллий қўмитаси мажлисларини ташқил қилиш ва ўтказиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Миллий қўмита раиси	Муаммоли масалаларни, мамлакатда савдони соддалаштириш бўйича илғор тажрибани кўриб чиқиш, шунингдек, бу борадаги таклифларни муҳокама қилиш мақсадида Миллий қўмита мажлисларини чақиради.	Йилда камида икки марта
2-босқич	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Мувофиқлаштирувчи орган)	Миллий қўмита раиси топшириғи билан Миллий қўмита аъзоларидан фикр ва таклифларни қабул қилиб олади, таклифларни ва кун тартибини тасдиқлаш учун раисга тақдим этади.	Мажлисдан камида 2 ҳафта олдин
3-босқич	Миллий қўмита раиси	Миллий қўмита мажлисининг кун тартибини тасдиқлайди.	Мажлисдан камида 1 ҳафта олдин
4-босқич	Мувофиқлаштирувчи орган	Миллий қўмита мажлиси кун тартиби ва унга тегишли ҳужжатларни Миллий қўмита аъзоларига хабарнома билан юборади.	Мажлисдан камида 5 кун олдин
5-босқич	Миллий қўмита раиси	Миллий қўмита мажлисини ўтказиши.	Доимий равишда
6-босқич	Мувофиқлаштирувчи орган	Миллий қўмита мажлиси қарорини баён шаклида расмийлаштиради.	Мажлисдан сўнг 1 ҳафта ичида
7-босқич	Миллий қўмита раиси ёки унинг мажлисида иштирок этган ўринбосари	Мажлис баёнини имзолайди.	Доимий равишда
8-босқич	Мувофиқлаштирувчи орган	Мажлис баёнини Миллий қўмита аъзоларига юборади.	Мажлисдан сўнг 2 ҳафта ичида